



Дыңем

# ДУСТ

Бадиа, шеърлар, баллада, масаллар,  
ривоятлар, ҳикоятлар, мушоҳада ва мулоҳазалар

*Тўловчи ва тузувчи*  
*Шукур Қурбон*



Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,  
Тошкент — 2015

**УЎК: 821.512.133**

**КБК: 84(5Ў)6**

**Д 99**

Дўст / А.А. Рудакий, Ш. Руставели, Ж. Румий [ва бошқ.]; тўпловчи ва тузувчи Ш. Қурбон. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – 120 б.

**Муаллифлар:** Абу Абдулло Рудакий, Шота Руставели, Жалолиддин Румий, Юнус Эмра, Паҳлавон Маҳмуд, Амир Темура, Алишер Навоий, Зайниддин Восифий, Абдулла Қодирий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тоҳир Малик, Шавкат Раҳмон, Йўлдош Эшбек, Шукур Қурбон.

*Одамийлик мулки ичра дўстлик деган бир туйғу бор. Усиз маънавиятнинг ўзаги саналмиш ахлоқ-одоб рисоладагидай бўлмайди. Аксига олиб, бу ҳақда кам ёзилган, ёзилганлари ҳам бир муқова остида жамланмаган. Бинобарин, ёшларга (катталарга ҳам) дўстликдан сабоқ беришга ҳеч ким алоҳида вақт ажратмайди. Шуни назарда тутиб, ушбу рисолаани аждодларимиз ва замондошларимиз қаламига мансуб мазкур хусусда яратилган битиклардан туздик.*

УЎК: 821.512.133

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-06-554-3

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2015 йил.



*Аجدодлардан  
мерос ҳикматлар*



*Абу Абдулло Жаъфар РУДАКИЙ*

\* \* \*

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

*Шоислом Шомуҳаммедов таржимаси*

*Шота РУСТАВЕЛИ*

**«ЙЎЛБАРС ТЕРИСИНИ ЁПИНГАН ПАҲЛАВОН»**  
асаридан

Бил, бегараз дўстлик қадри муҳаббатдан аслоқ,  
Ҳатто ажал бузолмайди қардошлик аҳд-паймонин,  
Оғир кунда дўстан қочган топмас ором бир тайин.  
Кириб қолдим мен дўстликнинг улғвор даргоҳига,  
Ташлаб қўйдим мен ўзимни дўстликнинг паноҳига.

*Миртемир ва Мақсуд Шайхзода таржимаси*

\* \* \*

*Жалолиддин РУМИЙ*

**«ИЧИНГДАГИ ИЧИНГДАДИР»**  
асаридан парча

Мавлоно Шамсиддин буюрдики: «Йўловчиларнинг катта бир гуруҳи чўлда кетишаётганди. Қаттиқ чанқашди. Тасодифан челақсиз бир қудуқ топиб олдилар. Ўз челақларини ипга боғлаб, қудуққа туширдилар. Бироқ челақ қайтиб чиқмади. Аҳвол бир неча марта такрорланди. Кейин одамларни туширдилар. Одамлар ҳам гойиб бўлдилар. Ниҳоят, бир ақли одам туша бошлаганди, қудуқнинг тубида бир қўрқинчли арабга дуч кел-

ди. Аммо ўзини йўқотмади: «Бошга келганни кўрамиз, муҳими ақлимни йўқотмайин» деди. Занжи: «Менинг асиримсан. Аммо саволимга тўғри жавоб берсанг, озод қиламан. Айт-чи, энг яхши жой қаердир?» деди. Ақлли одам ўзига-ўзи: «Мен ҳозир унинг тутқуниман. Агар Боғдод ёки бошқа ерни яхши десам, унинг яшаётган жойини ёмон деган бўламан» деб, «Энг яхши ер инсоннинг дўсти яшаётган жойдир ва бу макон ернинг остида-ю, сичқон тешигида бўлса ҳам, энг ҳуш жойдир» жавобини берди. Занжи қувониб: «Офарин, қутулдинг. Ер юзида ягона инсон сенсан! Сен ва сенинг шарофатинг учун қолганларни ҳам озод этаман. Бундан буён қон тўкмайман. Сенга бўлган севгим туфайли дунёдаги барча одамларни сенга бағишладим». Кейин эса, барча йўловчиларни сувга қондирди.

*Улуғбек Абдуваҳоб таржимаси*

*Юнус ЭМРА*

### ҲАЗАЛЛАР

\* \* \*

Эй дўст, сени севгандан кетди ақлим, қолдим ман,  
Дарёларни сайр этиб, уммонларда толдим ман.

Бир зарра ишқнинг ўти қайнатур денгизларни,  
Тушдим мен ишқнинг ўтина, туташибон ёндим ман,

Қай жондаки ишқ бўлар — унда қайғу бўлмағай,  
Бу ишқ манга келгандан ғуссам кетди, кулдим ман.

Бир қуруқ оғоч эдим, йўл узра тушмиш эдим,  
Эр манга назар қилди, марди жувон бўлдим ман.

Юнус, чин ошиқдурсан, отингни мискин қўйгил,  
Жумласиндан ихтиёр мискинликка олдим ман.

\* \* \*

Ичинг-ташинг мурдор экан, дўст найласин санинг ила,  
Кўнгул кўзинг — нафсу ҳаво, ишқ найласин санинг ила.

Зокир-ла йўлдош бўлмадинг, содиқ-ла ҳолдош бўлмадинг,  
Бўлмас ера бординг, кўнгул, дўст найласин санинг ила.

Дунё ила унс боғлабон кўнгул кўзин кўр айладинг,  
Зулмат тўлажак кўнглунга, нур найласин санинг ила.

Бизга бир чин дарвиш керак, тўлди жаҳон даъво ила,  
Туйган эсанг аслингни сен, фол найласин санинг ила.

Дарвишликни санама зўр, бўлур сурат тузмак ила,  
Дилда бўлса санинг ишинг, ҳол найласин санинг ила.

Юнус, ҳамон хуш ҳол ила мардона сур давронингни,  
Ҳамроҳ эсанг дўст йўлина, ор найласин санинг ила.

*Туркчадан таржима*

*Паҳлавон МАҲМУД*

## РУБОИЙЛАР

\* \* \*

Ҳақ дўст, дея жим тортса фиғон дўст — чин дўст,  
Қилғувчи ибодатни ниҳон дўст — чин дўст.  
Кўз-кўзлама ҳеч бергану олган нонинг,  
Нон дўсти эмас, аслида , жон дўст — чин дўст.

\* \* \*

Нутқинг каби, нутқ оламда, эй дўст, йўқдир,  
Қутлуғ бу каломда ҳеч каму кўст йўқдир.  
Ёнғоқ-ку сўзинг, керакмас арчмоқ, чақмоқ,  
Ҳаммаси мағз унинг, пўчоқ-пўст йўқдир.

**МЕНИ ҚЎЛГА ТУШИРМОҚЧИ БЎЛГАН АМИР  
ХУСАЙННИНГ МАКРУ ҲИЙЛАСИДАН ҚУТУЛИШ  
УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ  
(«Темур тузуклари»дан парча)**

Амир Ҳусайн, «менинг дўстлик ва қариндошликни риоя қилишдан бўлак ниятим йўқ», деб Қуръон устида қасам ичди ва ўша Қуръонни менга жўнатди. У яна мана буларни ҳам айтганди: «Агар сенга айтган гапларимга ҳилоф бирон иш тутиш ниятим бўлса ва ўртадаги аҳд-паймонимни бузиб сенга ёмонлик қилсам, шу ушлаган Қуръон – Худонинг китоби мени урсин». Уни мусулмон деб билганим учун сўзларига ишондим. Шундан кейин у менинг хузуримга одам юбориб, «ўртадаги аҳд-паймонимизни янгиласак, худо ҳақи дуруст бўларди», деб мени Чакчак дарасида учрашишга даъват этди. Унинг мақсади мени макру фириб билан қўлга тушириш эди. Аҳд-паймони, сўзига ишониб бўлмаслигини билсам ҳам, аммо Қуръон ҳурматиини сақлаб, (айтган жойига) учрашувга боришга қарор қилдим. (Бироқ бу борада) эҳтиёт шарт, Чакчак дараси атрофига баҳодирларимдан бир гуруҳини юбориб, яшириб қўйишни, кейин эса, ўзим бир неча одамимни олиб, учрашувга бориш режасини туздим.

Амир Ҳусайн хизматида бўлган дўстларимга хат юбориб, улардан Амир Ҳусайн қилмоқчи бўлган ишидан мени огоҳ этиб туришларини сўрадим. Дўстларимдан бири Шер Баҳром Амир Ҳусайннинг нияти шум эканлигидан мени огоҳлантирди. Амир Ҳусайн (буни сезиб қолиб) Шер Баҳромни қатл эттирди, менинг устимга эса, минг отлиқ аскар билан ҳужум бошлади.

Бу хабар менга етганида, энди дарага келиб тушган эдим. Кўшинимни тартибга солдим. Шу вақт Амир Ҳусайн лашкарининг қораси кўринди. Қоровуллар бу



фақат Амир Ҳусайн лашкарининг бир қисми эканлиги, унинг ўзи бу ерда йўқлигини хабар қилдилар ва «Амир Темур ўзи келибди, деган гапни эшитиб, сизни қўлга тушириш учун лашкарининг бир қисминигина юборди», дедилар.

Мен (жангу жадалга) ҳозирлана бошладим. Бу ерда ҳаммаси бўлиб икки юз отлиқ аскар бор эди. Амир Ҳусайн кўшинининг фавжи дарага киргунича сабр қилиб турдим. Ўзим келгунга қадар (бу ерга) юборган одамларимга уларнинг қайтиш йўлини тўсишларини буюрдим, ўзим эса, ёғийга юзма-юз бўлдим. (Хуллас) дарада икки ёқдан камалиб қолган ганим лашкарининг кўп қисмини қўлга туширдим. (Сўнг) одамларимни саф-саф қилиб туздим ва Қаршига қараб юзландим. Тажрибамдан шуни кўриб билдимки, дўст ҳар ерда асқотар экан. Амир Ҳусайнга (эса) ушбу мазмунда туркий байт ёзиб юбордим:

Ёрга еткур, сабо, ким макр қилмишдир манга,  
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга.

Бу хатим Амир Ҳусайнга бориб етгач, кўп ҳижолат бўлди ва мендан узр сўради, (лекин) иккинчи бор унинг сўзига ишонмадим.

*Алишер НАВОИЙ*

\* \* \*

Олам аҳли, билингизки, иш эмас душманлиг,  
Ёр ўлинг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иш.

**«НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ»**  
асаридан

Қадим замонда Нишопур шаҳрида бир сўфий (тарикат мухлиси) бўлган экан. У шунчалик зоҳид (таркидунёчи) эканки, дунёнинг барча гуноҳларидан покликда олий даражага муяссар бўлган экан.

Унинг бир савдогар дўсти бўлган экан. Савдогар сафарга кетаётиб, шаҳарда ишончли бир одам тополмай, ўзининг гўзал хотинини шу зоҳидга омонат топшириб кетибди. Зоҳид у гўзални кўрган ҳамона, унга ошиқ бўлиб қолибди. Зоҳид ўзининг бу иши катта гуноҳ эканини тушуниб, ундан халос бўлиш йўлини ахтариб, шайхларга мурожаат этибди, улардан маслаҳат ва йўл-йўриқ сўрабди. Ҳеч ким ҳеч қандай маслаҳат беролмабди. Ахийри, зоҳид Рай шаҳрига бориб, Юсуф ибн Ҳусайн номли машҳур имомга (тариқатда раҳнамо даражасига етган кишига) мурожат этишга қарор қилибди. Зоҳид Райда имомни топа олмабди. Ҳамма унинг қаерда эканидан беҳабар экан.

Ахийри, зоҳид Юсуфни бир хароба ичида ёлғиз ҳолда топибди ва ўз дардини айтиб, ундан маслаҳат сўрабди. Имом дебди:

— Мендан маслаҳат сўрама. Мен ўзим дўстимнинг гўзал аёлига ошиқ бўлиб қолмаслик ва сенинг аҳволингга тушмаслик учун бу харобада одамлардан беркиниб ётибман.

*Зайниддин ВОСИФИЙ*

### **«БАДОЕЪ УЛ-ВАҚОЕЪ»**

**(«Нодир воқеалар» асаридан)**

Жаҳоноро чорбоғидаги ҳушманзара қасрда зиёфат муқаррар қилинди. Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаро) мажлисда бўладиганларнинг номини ёзиб бердилар. Амир Алишер (Алишер Навоий), Паҳлавон Муҳаммад (Алишер Навоийнинг ДЎСТИ), Хожаги Абдулла Марворид, Хожа Камолиддин Ҳусайн Низомулмулк, Амир Саййид Бадр, Мирқосим Туркигўй, Амир Жоний Мавла, Амир Низом Муқаллид, ҳусн аҳлидан Қосим Мирхусайний, Мирзой Тарёкий, Тоҳир Чакка, Сарви Лабижўй, Моҳи Симномий, Мирак Заъфароний, Рухулло пари, Шомуҳаммад хонанда.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3643> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3643> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/3643>